



## Ҳар бир балоғатга етган инсон жума куни ғусл қилиши, мисвок ишлатиши ва топса атир суртиши вожибдир

Амр ибн Сулайм Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Гувоҳлик бераманки, Абу Саид шундай дедилар: «Гувоҳлик бераманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ҳар бир балоғатга етган инсон жума куни ғусл қилиши, мисвок ишлатиши ва топса атир суртиши вожибдир».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни жума намозини ўқиш вожиб бўлган, балоғатга етган эркак киши ғусл олиши, тишларини мисвок ёки шу каби нарса билан тозалаши, хушбўй ҳид таратадиган атир сепиши лозим эканлигини хабар бердилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/10036>

